



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
кељаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2004 йил 1 декабрь, № 248 (3523)

Чоршанба

## Иккинчи чақирик Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси олдидан

## БИР ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТНИНГ ФАОЛИЯТИ ОХИРЛАМОҚДА

**Борис БУГРОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлиси Раисининг ўринбосари

Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутатлари эртага, 2 декабрь куни ўз ваколатлари даврида энг охириги, ўн олтинчи сессияга йиғиладилар. Мазлумки, шу йилнинг 26 декабрь куни мамлакатимизнинг янги парламентига сайлов бўлади. Ана шу сайлов натижасида Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенати (юқори палата) шаклланади. Шундай қилиб, 2002 йил январ ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси референдуми яқунлари асосида бошланган парламент ислоҳоти яқин вақт ичида якунига етади. Мамлакатимизда биринчи марта икки палатали парламент, яъни ёш мустақил давлатнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларини янада эркинлаштиришга, ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган йўлига хар тарафлама жавоб берилган, сифат жиҳатидан бутунлай янги қонун чикарувчи олий орган ташкил топади.

Олий Мажлисининг навбатдаги сессиясига тайёрлик ишлари Қонунчилик палатаси депутатлигига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига бўлажак сайлов муносабати билан мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий ҳаёт жўш урган бир вазиётда ўтди. Аҳолининг сайлов кампаниясида кенг қўламада иштирок этавтганлиги фуқароларнинг сиёсий онги ўсиб, мамлакатда демократик жараёнлар янада теранлик касб этишига олиб келди. Шак-шубҳа йўқки, бу галги сайлов ҳам халқ ҳокимиятичилигини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида муҳим босқич бўлиб қолади. Чинакам демократия мактаби бўлган ана шу жараёнда биз ҳаммамиз давлатни идора этишни ўрганиш олимоғимиз, сайлаш ва сайланишдек муҳим конституциявий ҳуқуқни ҳаётий қўламада самаралироқ амалга оширишга керак.

Хозирги чақирик депутатлари ўтган беш йил ичида катта ишларни амалга оширдилар. Парламентнинг бўлиб ўтган 15 сессиясида 94 та қонун, 307 та қарор қабул қилинди, 55 та халқаро шартнома ва битим ратификация қилинди. Ўзбекистон Республикасининг 279 та қонун ҳужжати ва 1229 та ўзгартиш ва қўшимча киритилди.

Халқ хоҳиш-иродаси билан депутатлик рутбасига эришганларнинг парламентдаги фаолияти тез орада ниҳоясига етади. Мустақил Ўзбекистонни XXI асрда ривожлантиришнинг стратегик дастуридида мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов томонидан илгари сурилган устуворликлар ва вазифаларга мувофиқ равишда ўтказилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий базасини тақомиллаштириш йўлида улар томонидан амалга оширилган ишлар самарали бўлди, бу йўналишдаги ишларда ҳамон суръат юқори. Бу эса уларадаги юксак масъулиятдан, ҳалол ва виждонан ишлаш иштиқидан, ўз ваколатларини муносиб поёнига етказишига интилаётганликларидан далолат берилади.

Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессиясида депутатлар муҳокамасига бир қанча қонун лойиҳаларини киритиш мўлжалланаётган бўлиб, уларнинг бир қисми иккинчи ўқишда кўриб чиқилади. Депутатлар ҳуқмига ҳавола этилаётган қонун лойиҳаларининг мазмунига қисқача тўхталиб ўтиш ўринлидир.

Сессиянинг мўлжалланаётган кун тартибига кўра Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йилдаги қўлама кўлимига ижроси тўғрисидаги масала муҳокамасидан кейингина қонунларнинг лойиҳаларини кўриб чиқишга киришилади. Зотан, мамлакат асосий молиявий ҳужжати ижроси устидан назорат Олий Мажлисининг муҳим конституциявий ваколатларидан биридир. Ана шу масала-

нинг парламент Кенгаши мажлисида дастлабки тарздаги муҳокамасига қараганда, тугаётган йил юзасидан Давлат бюджетининг асосий параметрлари қонун чикарувчи орган томонидан белгилаб берилган доирада қолаётди. Уйғунлаштирилган пул-кредит ва инвестиция сиёсатини ўтказиш, макроиктисодий барқарорликни, ишлаб чикаришнинг изчил ўсишини, аҳолининг турмуш даражаси ошишини таъминлаш юзасидан мамлакат ҳуқумати, шу жумладан Молия вазирлиги томонидан катта иш қилинди.

Бўлғуси сессияда Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилга мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳаси ҳам муҳокама этилади. Бу муҳим ҳужжат, лойиҳаси мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг жорий йилда қўлама кўлимига натижалари, иқтисодийнинг барча секторларидан қарор топган икхобий тамойиллар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чикарилган. Унда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, экспорт-боқ маҳсулотлар ишлаб чикаришни рағбатлантиришга, инвестиция, моддий ва хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланишга, енгил, қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини жадал суръатлар билан ривожлантиришга, қишлоқ хўжалигини янада кенгроқ қўламада ислоҳ қилишга катта эътибор берилган.

Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганлик даражаси келгуси йилда ҳам кучайтирилади. Каттагина маблаг аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишга, умум таълим мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, ўқувчиларнинг меҳнатини рағбатлантиришга йўналтирилади.

«Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси пенсия таъминотининг мавжуд тизимини янада тақомиллаштиришга қаратилган бўлиб, ноқир қўламадаги ўзида муҳимасам

(Давоми 3-бетда).

## Партия фракцияларида

Кеча «Фидокорлар» миллий демократик партияси Олий Мажлисидаги депутатлар фракциясининг сессияолди йиғилишида Парламентимизнинг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилган масалалар муҳокама қилинди ва бир овоздан маъқулланди. Фракция аъзолари эътиборига «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йилдаги кўлимига ижроси тўғрисида»ги ахборот ҳам ҳавола этилди.

Ийгилишни фракция раҳбари А. Турсунов олиб борди.

Кеча Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлисидаги фракцияси сессияолди йиғилиши бўлиб ўтди. Уни фракция раҳбари И.Қочмарик олиб борди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йилдаги кўлимига ижроси тўғрисидаги ахборот ҳам ҳавола этилди.

(Давоми 3-бетда).

## Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн олтинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси 2 декабрь куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Мажлислар залида очилади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 1 декабрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар ва 2 декабрь куни соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

### Сиёсий партияларнинг Олий Мажлиси депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига қирадиган депутатлар диққатига

Олий Мажлисида 1 декабрь куни соат 15.00 да «Адолат» Социал-демократик партиясининг фракцияси, ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлиси депутатлари блоқи ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлиси депутатлари блоқи йиғилишлари ўтказилади.

Кеча пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуи биносидан 2005 йилда истеъмолчиларга ноозиқ-овқат товарлари (енгил саноат маҳсулотларидан ташқари) етказиб бериш мақсадида республика улгуржи савдо-ярмаркаси очилди. Унда «Ўқишлоқхўжалик-маш-холдинг», «Ўқимёсаноат», «Ўзқурилшматериаллари», «Ўзагро-машсервис», «Файз-холдинг» компаниялари, Матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзавтосаноат», «Ўзэлтехсаноат» уюшмалари тизимидаги, шунингдек, Навоий, Олмалик тоғ-металлургия комбинатлари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан иборат 120 га яқин корхона иштирок этмоқда.

## Ўзимизда ишлаб чикарилган



## Сифатли маҳсулотнинг харидори кўп



Савдо-ярмарканинг диққати тортдан жойи шундаки, унинг павильонларида енгил ва йўловчи ташиш автомобилларидан тортиб, мебель, маданий-маиший, хўжалик, қурилиш материаллари, кир ювиш воситалари, қозғоқ, заргарлик буюмларига қадар муҳими, буларнинг барчаси мамла-

қилинмоқда. Мебель ишлаб чикаришда Германия технологияларидан, яъни ламинация қилинган ҳам хар қандай харидори бефарқ қолдирмайди. Эро, қўрақ ва бежирим музлаткич ва совутигилар сифатли ҳам арзон. Бунинг устига, улар электр қувватини кам сарфлайди.

Савдо-ярмарканинг очилиш маросимида Бош вазир ўринбосари М. Усмонов иштирок этди.

Сайодим ХАЙДАРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.  
Рошид ГАЛИЕВ олган суратлар.

## РАТИФИКАЦИЯ ЁРЛИҚЛАРИ АЛМАШИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида икки мамлакат ҳаво кенгликлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қўшинлари ва харбий-ҳаво кучларидан ҳамда Россия Федерацияси харбий-ҳаво кучларидан биргаликда фойдаланиш тўғрисидаги битимнинг

ратификация ёрлиқлари алмашилди.

Алмашув тўғрисидаги протоколларга Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги Содиқ Сафоев ва Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фарит Мухаметшин имзо чекидилар.

(ЎЗА).

## Қўмита ва комиссияларда

Кеча Олий Мажлис Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг вазирликлар, банк раҳбарлари иштирокида кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси А. Аҳадов олиб борди.

Йиғилишда депутатлар, давлат, парламентнинг ўн олтинчи сессияси кун тартибига киритилиши мўлжалланаётган масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашиб, уни маъқулладилар. Сўнгра Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йилдаги кўлимига ижроси тўғрисидаги ахборот берди. Бундан ташқари, йиғилишда «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳамда айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Йиғилишда кўриб чикарилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шу кун Ижтимоий ма-

салалар ва бандлик қўмитасининг ҳам сессияолди йиғилиши бўлиб ўтди. Унда дастлаб депутатлар ўн олтинчи сессия кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама қилиб, уни бир овоздан тасдиқладилар. Сўнг ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган қонунларнинг 2004 йил «Меҳр ва мурувват йили»да Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш вазирликларида бажарилиши муҳокама қилинди.

Йиғилишда депутатлар Олий Мажлис ўн олтинчи сессияси кун тартибига киритилган масалалар муҳокама қилиб, уни бир овоздан тасдиқладилар. Сўнг ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган қонунларнинг 2004 йил «Меҳр ва мурувват йили»да Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш вазирликларида бажарилиши муҳокама қилинди.

Йиғилишда депутатлар Олий Мажлис ўн олтинчи сессияси кун тартибига киритилган масалалар муҳокама қилиб, уни бир овоздан тасдиқладилар. Сўнг ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган қонунларнинг 2004 йил «Меҳр ва мурувват йили»да Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш вазирликларида бажарилиши муҳокама қилинди.

Кеча Олий Мажлисининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасида ўтган йиғилишда эртага ўз иш-ни бошлайдиган сессия кун

тартибига киритилган масалалар ва қўмитанинг беш йиллик фаолияти кўриб чикалди.

Қўмита раиси А. Турсунов қўмита аъзоларини сессия кун тартибига киритилган масалалар билан таништириб, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаларига алоҳида тўхталиб ўтди.

Сессия кун тартибига киритилган ва қўмита йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар эътиборга олиниб, тегишли қарор қабул қилинди.

Парламентнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг йи-

гилиши бўлиб ўтди. Қўмита раиси ўринбосари О. Мурсунова бошқарган ушбу йиғилишда Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси кун тартибига киритилган масалалар билан таништирилди ва у қўмита аъзолари томонидан маъқулланди.

Йиғилишда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йилдаги кўлимига ижроси тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилга мўлжалланган асосий молиявий ҳужжат лойиҳаси кўриб чикалди. Иштирокчилар жамиятининг турли соҳаларида олиб бориладиган ислохотларни янада чуқурлаштириш борасидаги қўмитанинг ўтган давр мобайнидаги фаолиятини муҳокама қилдилар.

Шу кун Матбуот ва ахборот қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қўмитанинг беш йиллик фаолиятига доир ҳисобот ҳамда Ўзбекистон

(Давоми 3-бетда).

## 26 декабрь Халқ. Демократия. Сайловлар

## Сўз — партия етақчисига

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2004 йил 8 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари, депутатликка номзодларнинг оммавий ахборот воситаларида сайловда ташвиқоти тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, сайловда ташвиқотлари бошланб кетди. Табиқки, бу жараёнда газетамиз сиёсий партиялар ва мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази вакилларига тенг имкониятлар бериш тамойилига ама қилади. Шунингдек, сайловда ташвиқотлари тенг, ошқора ва холисона бўлиши учун курашади. Бугун сўзи Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси етақчисига берилмиз.

(2-бетга қаранг).

## МДХ кузатувчилари миссияси — Ўзбекистонда

Шу йил 26 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бўлажак сайловларда иштирок этадиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги халқаро кузатувчилари миссияси Тошкентда иш бошлади. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида миссияни рўйхатга олишга бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизга ташриф буюрган МДХ Ижроия қўмитаси раиси - МДХ ижроичи котиби Владимир Рушайло бошчилигидаги делегация қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Бўришо Мустафоев мамлакатимизда Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига мутлақо янги асосда ташкил этилган сайловларни ўтказишга тайёрларлигини бориши ҳақида сўзлади. Ўзбекистон тарихида биринчи марта икки палатали парламент шакллан

(Давоми 3-бетда).

### Марафон:

## Ёмғир йўлдан қолдирилмади

### Қашқадарё

Ўзбекистон Конституциясининг 12 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган умуммамлакат марафонининг иккинчи йўналиши қатнашчилари Қашқадарё воҳосини ҳам ортада қолдиришди. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари спортчилари билан бирга қўллаб-қувватлаш марафонда иштирок этдилар. Об-ҳавонинг бир оз нуқул-ли ҳам бўлганили, ҳаво совиб, ёмғир ёғиб турганлиги ҳам уларнинг байрамона қайфиятига таъсир қилмади олмади. Жойларда марафон иштирокчилари билан ёшлар ўртасида турли учрашувлар ташкиллаштирилди.

— Спорт, айниса югуриб билан шуғулланиш соғлиқ учун жуда фойдалани, — дейди республика «Тез ёрдам» маркази вилоят филиалининг директори Мейли Хусанов. — Чиниқан киши хар қандай об-ҳаво шароитида ҳам жимийон тарбия билан шуғуллана олади.

Дарҳақиқат, об-ҳаво инжиқликлари марафончиларни, бир дақиқа бўлса-да, тўхта олмади.

### Самарқанд

Умуммамлакат марафонининг биринчи ва иккинчи йўналиши иштирокчилари Самарқанд заминидан катта тантана билан кутиб олинди. «Нукус-Урганч-Бухоро-Тошкент» ва «Термиз-Қарши-Самарқанд-Тошкент» йўналишларидаги иштирокчиларнинг барчаси тиббий куриқдан ўтказилди. Шаҳардаги «Ешлар марказида талаба-ёшлар билан учрашувлар ташкил этилди. Қўхна Самарқанднинг тарихий обидалари бўйлаб саёҳатлар уюштирилди. Бугун эрта тонгда Регистон майдонидан марафонга старт берилди.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**  
**А. САТТОРОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбирлари.



## «Халқ сўзи»га: Бухорода 2267 та, Олтинсой туманида эса битта обуначи

Қаерда маънавий-маърифий тадбирлар яхши йўлга қўйилса, уша жойда иқтисодий ислохотлар ҳам жадал давом этади. Кейинги йилларда ишлаб чикариш маъракасида эришавтган Бухоро вилоятини меҳнаткашлари бу ютуқларда табарруқ заманга дахлдорлик туйғуси жўши ураётганлигидан, шунингдек, маънавийта эътиборини ошаётганлигидан ҳам деб билмоқдалар. Тахририятимизга кеча хабар қилишларча, Бухоро

да «Халқ сўзи» обуначилари 2267 нафар бўлган. Вилоятнинг мафкура соҳаси муассасадилари бу курсаткич белгиланган марроние ярми ҳам эмас, дейишляпти. Икки палатали парламент шаклланаётган пайтда «Халқ сўзи»га обуна бўлиш ҳамма жойда ҳам кўнелдагидек эмас. Сурхондарё вилоятининг Олтинсой ва Ангор туманларида эса «Халқ сўзи»га, оз эмас-кўп эмас, атиги биттадан обуна расмийлаштирилганлиги ҳеч қимни ташвишлантирмаляпти. Эҳтимола, уша бит-

та обуначи туман ҳокимиясининг ўзидир. Балки газетамизни икки палатали парламент амала ошадиган йилда бутун туман аҳли билан бирга ўқиниш режалаштирилади. Тағин ҳам қим бисин.

Аббатта, матбуот нашрлариға, илгарилари бўлагидек, мажбурият обуна қилиш даври ўтиб кетди. Лекин инсон маънавий дунёсига (тич, осойишта ҳаётимизининг асосий шартини бу) боғлиқ масалани ўз ҳолиға ташлаб қўйиб бўлмайди.

# 26 декабрь

## Халқ. Демократия. Сайловлар

### КУЧ – АДОЛАТДА

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси сайловолди ҳаракат дастурининг асосий йўналишлари

**Т. ДАМИНОВ,**  
«Адолат» социал-демократик партиясининг биринчи котиби

2004 йилнинг 26 декабрида Ўзбекистон тарихида илк мартаба икки палаталик парламентга сайловлар бўлиши буюк келажагимиз йўлидаги муҳим бир босқичдир.

Мустақиллик йиллари мобайнида республикада эркин бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган демократик ҳуқуқий давлатнинг конституцион, ҳуқуқий ва сиёсий асослари яратилди, тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувлик ташкил топди, мулкдорлар ва тадбиркорларнинг мавқеи ва ўрни мустақамланмоқда.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов раҳбарлигида, Ўзбекистоннинг бутун халқи иштирокида эришилган ютуқларда «Адолат» социал-демократик партиясининг ҳам ўз хиссаси борлигини айтиб ўтиш лозимдир.

Ўз сафарларида 50 мингдан зиёд фуқарони бирлаштирган, мамлакатимиз бўйлаб 170 дан ортиқ шаҳар ва қишлоқларида 3120 та бошланғич таъкилотига эга «Адолат» СДП – Ўзбекистондаги йирик ва келажаги порлок сиёсий куч ҳисобланади.

«Адолат» социал-демократик партияси ўртаҳол ва эҳтиёрманд аҳоли табақаларига таянади, уларнинг сиёсий ва ижтимоий иродаларини намойён этишга интилади.

Партияимизнинг «Адолат» деб аталган мақсад ҳам шуки, у жамиятимизда адолат мезонининг ҳар қандай шаклида бузилишига қарши кураш олиб боради. **Биз шунчаки ҳуқуқий – демократик жамият эмас, одил жамият қурмоқчимиз. Бошқа сиёсий кучлардан фарқимиз ҳам шундадир.**

«Адолат» партияси социал – демократия мафқурасига таянади ва **Ижтимоий адолат, Эркинлик, Бирдамлик** гояларини илгари суради.

Биз иқтисодий эркинлик, ҳусусий мулк ва иқтисодий ташаббуслар Ўзбекистон иқтисодий тараққиётига катта хисса қўшади, деб ҳисоблаймиз.

Зеро, социал – демократия мафқурасининг асосий негизини ижтимоий муҳофаза ташкил этади. Ижтимоий муҳофазанинг бош мақсади – инсонни турмуш ва бозор алғов-далғовларидан ҳимоя қилишдир. У меҳнатни муҳофаза қилишнинг самарали механизмининг жорий этишни кўзда tutади. Социал-демократияда инсоний меҳр-оқибат марказий ўрин тутаяди. У бугунги кундаги энг зарур қадриятлардан биридир. Ушбу мафқура дунё мамлакатлари, хусусан Германия, Швеция, Австрия, Финляндия мамлакатлари таърибасида синовдан муваффақиятли

ўтган ва ҳар томонлама самарали эканлигини кўрсатмоқда.

Шу боис ҳам партияимиз бош шiori: **Инсон манфаатлари – энг олий қадрият!**

**Биз – умуммиллий партияимиз.** «Адолат» СДП Ўзбекистон аҳолисининг миллати, тили, диний эътиқоди белгилари асосида ўзаро қарама-қарши қўйилишига, сиёсий ва диний экстремизмининг ёйилишига йўл қўймайди. Шу билан бирга, сиёсий-ижтимоий муаммоларни тинчлик, келишув йўли билан ҳал этиш тарафдоридир.

Халқимиз олдда популистик гоялар билан чиқиб биз учун бутунлай ётди. Аксинча, бошқарув ва ислохотларнинг европалик социал-демократлар таърибасини қўлаб, илгор технологияларига ва ўз миллий менталитетимизга таянаемиз.

Биз давлат ва жамият ҳаётида хотин-қизларнинг фаоллигини, уларнинг ўрни ва нуфузини ошириш тарафдоримиз. Ёшларнинг иқтисодий потенциални рўёбга чиқариш учун барча имкониятларни ишга солаемиз.

«Адолат» СДП Ўзбекистон манфаатлари йўлида бошқа сиёсий партиялар билан ҳамкорлик қилишга тайёр.

Сайловолди дастуримизни амалга оширишнинг бош қуроли – бу ҳаётий зарур, аниқ ва пухта қонунлар ишлаб чиқиш, шу билан бирга илгари қабул қилинган қонунларга давр талаблари асосида муҳим қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ва улар ижросини мунтазам қатъий жамоат назорати остида бўлиши тарафдоримиз.

Келгусида жамиятимиз олдда мамлакатимиз қудратини янада мустақамлаш, эркин бозор иқтисодига асосланган адолатли демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришни ниҳоясига етказиш, халқнинг турмуш даражасини ошириш каби муҳим вазифалар турибди.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси бундай улуғ ва хайрли вазифаларни бажариши, турли тўсиқларни ва муаммоларни бартараф этишда ўзини сайловчилар олдига **бурчли, масъул** деб ҳис этади.

Партия, юқорида айтиб ўтилган масъуллиқ ҳисси билан, барча ўзбекистонлик сайловчиларга мурожаат этиб, бу йилги сайловларда фаол иштирок этишни маълум қилади ва қўйидаги вазифаларни хал қилиш мажбуриятини олади. Жумладан «Адолат» партияси тегишли тақдирлар киритиш, ташаббус кўрсатиш, муаммо кўтариш ва тадбирлар ўтказиш орқали:

**сиёсий ва давлат қурилиши соҳаларида**

— Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида ўз фракциясига эга бўлиш ва шу йўл орқали партияни мамлакат ҳаётида ўрни ва нуфузини оширишни;

— мамлакатимиз истиқлоли, суверенитетини мустақамлаш, демократик

принципларни ривожлантиришга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонуқчиликни ривожлантириш;

— қонуннинг самарали ижросини, қонуности ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлигини таъминлаш ва ушбу ҳужжатларни ҳаётига жорий қилишда давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини қучайтириш;

— матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари мавқеини ва сўз эркинлигини ошириш;

— давлат органлари ва мансабдор шахслар орасида бюрократия, коррупция, такаббурилик ва лоқайдликка қарши фаол курашишни;

— жамиятни, давлатни демократлаштириш йўлида партия томонига аҳолининг кенг қатламларини жалб этиш, хусусан ёшларнинг ва хотин-қизларнинг овозларидан фойдаланиш, фуқаролик хилма-хиллигининг мустақам ўрин олишига қаратилган чораларни татбиқ этишни;

— диний экстремизм ва ақиданаростлик гояларига қарши мунтазам курашишни;

**иқтисодий соҳада**

— иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусийлаштириш ва монополияга қарши қаратилган чораларни қучайтириш;

— кичик ва хусусий бизнес ривожини қўлаб-қувватлаш ва шу асосда ишисизликни камайтириш ва аҳолининг ижтимоий бандлигини ва фаровонлигини таъминлаш;

— инновация ва янги технологияларни киритишни;

— солиқ сибсатини ва солиқ тизимини такомиллаштириш;

— атоф-муҳитга зарарли таъсири бўлган ишлаб чиқариш корхоналари устидан назоратни қучайтириш, экологик тоза технологияларни ва хавфсиз хомашёларни қўллашни татбиқ этишни;

— кишлоқ ҳўжалиги инфра-структурасини, тайёр маҳсулот экспортни кенгайтириш, деҳқонларда ерга нисбатан эгаллик ҳиссини ривожлантиришни;

**ижтимоий соҳада**

— қарилар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, нафақаҳўрлар, ўқувчи ва ишчи ёшларнинг ижтимоий муҳофазасини қучайтириш;

— аҳолининг кам таъминланган, ночор, эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий қўлаб-қувватлаш юзасидан амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқишни;

— фуқароларнинг кам таъминланган ва эҳтиёжманд табақалари учун сифатли ва бепул даволаниш қоғалатларини таъминлаб беришни;

— иш берувчи томонидан ишчи-хизматчиларга тиббий сўгурта жорий этилишига эришишни;

— оила, оналик ва болалик давлат муҳофазасида бўлишини таъминлаш, қашшоқлик ва болалар қаровсизлигини бартараф этишни;

— таълим, маориф, илм-фан, тиббиёт соҳаси ходимлари ҳамда бошқа зиёлиларнинг ижтимоий нуфузи, статусини ошириш юзасидан қатъий чора-тадбирлар, ишлар олиб боришни;

**суд-ҳуқуқ тизими соҳасида**

— суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларни танқидий – таҳлилий баҳолаб, уларни янада чуқурлаштириш ва қатъий билан олиб борилишини;

— судларнинг мустақиллигини амалда таъминлаш, суд жараёнида очиклик, ошқоралик тамойилларига қатъий амал қилинишни назорат механизмлари такомиллаштириш, инсон ҳуқуқларининг бузилишига нисбатан жавобгарликни қучайтириш масалаларига эътиборни қаратишни;

— фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ўзи ҳақ-ҳуқуқларини, қонунларни янги билишларига эришиш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга, бу соҳада оммавий ахборот воситаларининг ролини оширишга қаратилган чораларни татбиқ этишда фаол иштирок этишни;

**илм-фан, таълим, маориф, маънавият ва маданият соҳаларида**

— фундаментал фанлар тараққиётига етарли эътибор қаратиш ва қўлаб-қувватлашни таъминловчи тегишли қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда қатнашишни;

— Ўзбекистонда яшайдиган миллатларнинг анъаналари ва диний қадриятларини асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришни;

— жамиятда маънавият ва ахлоқнинг устувор бўлиши гояларини, меҳр-оқибат туйғуларини олға суришни;

— ёшларнинг жисмоний камолотига, миллатларо ва динлараро муносабатларни уйғунлигини сақлаб қолиш ва ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишни;

**ташқи сибсат соҳасида**

— Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти, хусусан Европа ва Осиё структураларига интеграциялашувини янада чуқурлаштириш; жаҳоннинг етакчи мамлакатлари – АҚШ, Европа Иттифоқи давлатлари, Хитой ва Япония, Россия Федерацияси, ҳамда МДҲ мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли азаллий ҳамкорликни янги босқичга кўтариш, минтақавий хавфсизликни мустақамлаш; — халқаро терроризм, диний экстремизм, наркотики ва бошқа умумбаъшарий хавф-хатарларга қарши кураш олиб боришни ўз фаолиятининг устувор йўналишлари деб белгилайди.

Мамлакатимиз катта сиёсий тадбир арафасида. Ватандошларимиз 26 декабрь куни Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ва маҳаллий Кенгашларга ўтказиладиган сайловлар хусусида фикрлашмоқдалар. Мунозара-ларга киришмоқдалар. Қарашлар, муносабатлар, ёндошувлар хилма-хил. Бу хилма-хиллик эса ягона мақсадга, пок ниятга, собит интилишлар йўлига, яъни Ватан, юрт, ҳар бир хонадон янаям равнақ топтомига керак, деган ёруғ нуқтага келиб туташади.

## «Мен овоз бераман»

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 67-Қумқўрғон округи сайлов комиссиясига кириб келган одамни мен яхши танийман: чорак асрдан қўпроқ ўқитувчи бўлиб ишлаган. Ҳозир «Богаро» деб номланадиган маҳалла фуқаролар йиғини раиси. Элининг оқсоқолларидан бири.

Бу йил мен 344-Янтоқли участка сайлов комиссиясига раис бўлдим. Олти ортиқ йилга кириб биринчи марта мана шундай масъулиятли ишни зиммамга олишим, — дейди Рўзбой ака қувонгандай бўлиб. — Чунки, эртанги сайлов бошқача бўлади. Илгарилари катта-катта сайловлардан бир қанчасига қатнашганимни эсламан. Бурунги сайловлар, э-хе... Мени сайлайсан, деб туриб олишарди. Уни сайламаганимга қўйишмасди ҳам.

Бугунги номзод ҳам шу-да. Мени сайлайсан, дейди-да, — дейди хонадагилардан бири.

Йўқ. Энди, мени сайлайсан, деган гап эмас. Энди, мен сайлайман, деган гап устун келади. Шуниси қизиқ, шуниси муҳим. Демократия, эл фаровонлиги, одамларнинг тўқин дастурхонига хотиржам уйқуси қуруқ шпорларга, ваъдаларга оғирлик қиладиган гаплар. Қонунда, ана, ёзиб қўйибди «Сайловда эркин ва яширин овоз берилади. Овоз берувчиларнинг хоҳиш-иродаси назорат қилинишига йўл қўйилмайди» деб. Сайловчи — эркин. Лекин бу эркинлик масъулиятсизлик, лоқайдлик, бўлса-бўларчилик дегани эмас. Бу эркинлик шу юртнинг фурсат, демак, шу юрт учун жавобгар шахсдан, деган ваколатни билдирувчи нарсаси. Муҳими, биз энди шу ҳақиқатни англаб етмайпиз. Мустақиллик руҳи бизни, ҳатто, шу ўтган асрнинг элгинини йилларидан қолган мендек одамни шунчалик тарбиялади, десам тўғри бўлар.

Шундан сўнг Рўзбой ака округ сайлов комиссияси раисидан сайловларга тегишли қўшимча қоғозларни, ашёларни олди. Янгиларни суриштирди ва сайлов қонунчилигидаги ўзгаришларни яна бир бор майдалаб сўради. Округ сайлов комиссияси раиси Жума Чорсанбиев ҳам анойи эмас экан. Бир гапнинг ўзи билан ўнта масалани тушунтириб бера олади. Ўзгаришларга оид бешта банд бўйича тушунтириш қилди. Рўзбой аканинг бўлса хотираси зўр. Эшитдимми — ёдидан чиқармайди. Эшитганини

одамларга етказди. Ўзим кўрган ва эшитган бу ҳолат ва гапларни вилоят статистика бошқармаси ходими Рустам Бобоевга айтиб бердим.

«Мен сайлайман!» — бу — яхши гап, — дейди Рустам ака ҳам гапнинг моҳиятидан ҳайрати ошиб. — Ана энди бу бурунги сайловларда қузатиладиган маҳаллийчилиги ва яна бошқа «чилик»лардан юқори турадиган, тарози босадиган гап бўлибди. Мен сайлайман. Мен кимни сайлайман. Нима учун сайлайман? Қандай тартибда сайлайман? Бу гапларни туб-тубдан тушуниб етмоқ афзал.

Шўрчида эса Халқ демократик партияси туман Кенгаши котиби Бибинор Рўзимуродова билан суҳбатимиз бошқачароқ бўлди. Партия бугунги сайловларда ўзининг мавқеи — ўрнини сақлаб қола биладими?

«Бунга вақт, натижа кўрсатади, — дейди партия ташкилотчиси. — Сайлов жараёни ҳар бир сиёсий партия учун синов. Сайлов натижалари, табиийки, сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрнига, фаолиятига ҳолис бир баҳо бўлиб саналади. Айни пайтда мен бир нарсани таъкидламоқчиман: партиялар фақат сайловни кутиб, сайлов учун яшамаслиги керак. Тўғри, қонунчилик органида эгаллаган ўрнига қараб сиёсий партия ўз вақиларини орқали жамият тараққиётига у ё бу даражада хисса қўймоғи аниқ. Лекин партиялар ҳам қўндалик ҳаёт ташвишлари, одамларнинг ижтимоий муаммолари билан нафақ олишга ўрганадиган, қўндаликдан вақт келди. Бугунги сайловлар босиб ўтилган йўлга бир назар солиб, янгилик кенгликларда дадилроқ ҳаракат қилишимизга давлат эътиборини муҳим довод бўлиб хизмат этсин. Шундай бўлади ҳам.

Шундай. Рустам Бобоев айтадики, нафақат сайловларни ўтказиш ташкилотчилари, балки мен шу юртнинг фуқароси, дилбандиман, деганларнинг ҳаммаси бу катта сиёсий кампанияга тадоригу тайёргарлик ишларини бошлаб юборди, десак, хато қилмасмиз. «Мен сайлайман. Мен овоз бераман» — бу ўзимнинг, халқимнинг, юртимнинг тақдир урваси, ишига тўла дахлдорман, деган гапнинг ўзгичаси ахир.

Олимжон УСАНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси чинакам халқ иши, Ватан равнақига бел боғлаган сиёсий кучдир!**  
**Муҳтарам сайловчи!**  
**«Адолат» Сизга хос ва мос Партиядир!**  
**Сайловда унинг номзодлари учун овоз беринг!**

### Олий Мажлисининг XVI сессияси олдидан

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, тадбиркорликни ривожлантириш, бизнес муҳитини такомиллаштириш, чет эл сармояларини қўпроқ жалб этиш талаблари бугунги кунда кенгроқ қўламдаги янги ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш зарурлигини таъкидламоқда. Олий Мажлисининг навбатдаги XVI сессияси кун тартибига «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисидаги қонун лойиҳаси киритилишининг боиси ҳам шунда.

— Президентимизнинг ташаббусларига мувофиқ ишлаб чиқилган бу ҳужжат ана шу долзарб вазифаларни рўёбга чиқариш учун ҳуқуқий пойдеворни такомиллаштиришни назарда tutади, — деди Олий Мажлисининг Иқтисодиётни ислох қилиш масалалари ва тадбиркорлик кўмитаси раиси **Муҳаммадjon Умаралиев** биз билан суҳбатда. — Бу вазифалар эса, тадбиркорлик, энг аввало, кичик ва хусусий бизнесни жадал ривожлантириш, ҳақиқий мулкдорларнинг кенг қатламини шакллантириш, хорижий шериклар ва сармоядорлар билан ишбилармонлик алоқаларини кенгайтириш, экспорт маҳсулотларини ташқи бозорларга олиб чиқиш, қўшма корхоналар очиш, хорижий сармояларни тўғридан-тўғри жалб этиш, тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир. Чунки яқин 5-10 йил ичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакат ички маҳсулотидagi улушини 50-60 фоизга етказиш, бу тизимни аҳоли даромадлари ўсиши ва бандлигининг асосий манбаига айлантириш, республикада сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликнинг асоси бўлиши ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш белгиланган.

### Савдо-саноат палатаси:

## ҲУҚУҚИЙ МАҚОМ, РЕЖА ВА ВАЗИФАЛАР

Маълумки, ҳозирга қадар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси фаолиятига оид ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик кодекси, «Ўзбекистон Савдо-саноат палатасини ташкил этиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қоғалатлари тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тартибга солиб келинмоқда. «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»-ги қонун лойиҳаси 4 боб, 20 моддадан иборат бўлиб, у Палатанинг ҳуқуқий мақоми, мақсади ва вазифаларини, тизим ва уни ташкил этиш, аъзолик масалалари ҳамда унинг фаолияти билан боғлиқ бир қатор бошқа масалаларни қамраб олган.

Тизим ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида Палатанинг роли ва аҳамияти жуда катта. Негаки, унинг зиммасига бугунги кундаги энг долзарб вазифалардан бири — тадбиркорликни ривожлантириш вазифаси юклатилмоқда. Савдо-саноат палатаси тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароит яратиш, тадбиркорларнинг чет эллик шериклар билан алоқаларини йўлга қўйишига қўмақлашиш, маҳаллий товарлар ва хизматларни ташқи бозорларга олиб чиқиш, республикага чет эл сармоясини кенг жалб этиш мақсадида ташкил этилган йирик нодавлат нотижорат ташкилотидир. Шунингдек, қонунларда назарда тутилган бошқа шаклларда ташкил этилиши мумкинлиги ҳамда Фуқаролик кодекси, қонун, устас ва бошқа тасвир ҳужжатлари асосида фаолият қўрсатиши белгилаб қўйилган. Палата эса ўзининг тизими ва

бир муҳим жиҳати шуки, у Юртимиз илгари сурган «Кучли давлатдан — кучли жамият сари» принципини амалга оширишда ҳам муҳим босқич ҳисобланади. Бу эса бозор иқтисодиёти шароитида давлат орган-

фаолиятининг алоҳида хусусиятларига кўра, ушбу қонунларда назарда тутилган бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклга киритилиши мумкин. Чунки у жамоат бирлашмаси ҳам эмас, ижтимоий фонд ҳам эмас ва нафақат фуқароларни (жисмоний шахсларни), балки тадбиркорлик субъектлари бўлиши юридик

бошқа ташкилотлар аъзо бўлиши, Палата устасига талабар, Палатанинг бошқарув органлари, мол-мулки, уларни шакллантириш мавқеини, халқаро алоқалари, низоларни хал этиш, Палата тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги нормалар ҳам маъмур қонун лойиҳасига киритилган.

Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида бир қатор ривожланган чет эл давлатлари қонун ҳужжатлари, уларни ижро этиш, мавжуд талабларга риоя қилиш амалиёти, илгор таърибалари ҳам атофлича ўрганилиб, уларнинг мамлакатимиз иқтисодий ривожланиши ва амалга оширилаётган ислохотларга мувофиқлиги таҳлил қилинди. Шу асосда эса «Савдо-саноат палатаси тўғрисида»-ги қонун лойиҳасини такомиллаштиришга ҳаракат қилдик.

Олий Мажлис кўмиталари ва комиссиялари, партия фракциялари, депутатлар томонидан билдирилган тақдир ва мулоҳазалар ҳам ҳисобга олинди. Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт ва Аҳоли вазирликлари, Давлат мулки кўмитаси, Савдо-саноат палатаси маъсул ходимлари, раҳбар-мутахассислари фаол иштирок этиди. Буларнинг ҳаммаси пировардида унинг мукаммал тайёрланишига имкон берди.

Олий Мажлис сессияси мувоқамасига тақдим этилган мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг самарали фаолият қўрсатиши учун мустақам ҳуқуқий пойдевор яратаяди, деб ҳисоблаймиз.

«Халқ сўзи» мухбири **Икром УЎТБОСАРОВ** суҳбатлашди.

### Врач шифохона қурди

Поп туманида «Фазилат-Медикал» хусусий шифохонаси иш бошлади.

— Мақсадимиз даромад топиш эмас, эл соғлиғи йўлида яхши хизмат қилишдир, — дейди хусусий шифохона бош шифокори **Фазилат Фаниева** «Туркистон-пресс» мухбирига.

Икки қаватли замонавий услубда қурилган ушбу бинога отини миллион сўм набғлар сарфланган.

20 ўринга мўлжалланган 12 хонали шифохона замонавий тиббий ускуналари билан жиҳозланган. Унда учта шифокор ва шунча ҳамшира беморларга беминнат хизмат кўрсатмоқда. **Хўжабод, Халқобод, Санг** ҳамда **Тўда қишлоқлари**нинг аҳолиси шифохона хизматида мамнун бўлишмоқда.

Иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси олдидан

(Давоми. Боши 1-бетда).

Этган ушбу ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ташаббускори мамлакатимиз Президентидир. Қонун лойиҳасининг асосий мақсади пенсияларнинг турмуш даражасини оширишдан, жамғариб бориладиган пенсия тизимини яратилган иборат. Янги тизим фуқароларнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тайинланган пенсиясига қўшимча равишда тўловлар тўлаш имконини беради.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида иш беришчи барча юридик шахсларнинг мажбурий тартибда иштирок этиши назарда тутилмоқда. Иш беришчи ўз ходимларининг шахсий жамғариб бориладиган ҳисобварақларига ой сайин маблағлар ўтказиши шарт. Бу ҳол иш беришчи учун молиявий жиҳатдан қўшимча харажатлар келтириб чиқармайди, ходимнинг эса ўзининг даромадлари микдорига таъбир этувчи бирон-бир қўшимча тўловлар қилинишига олиб келмайди. Жамғарила жисмоний шахсларнинг ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғини қамайтириш ҳисобидан бўлади. Бундан ташқари шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларидан маблағларни шакллантириш манбаларидан бири сифатида жамғариб бориладиган ихтиёрий пенсия бадаллари ҳам назарда тутилмоқдаки, бундай бадалларни иш беришчи ҳам, ходимнинг ўзи ҳам, учинчи шахслар ҳам киритиши мумкин.

Қонун лойиҳасига кўра жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олинган ҳар бир фуқарога Халқ банкида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи очилиб, унга жамғариб бориладиган пенсия бадаллари ой сайин ўтказиб борилади. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варағига умрбод қилиб белгиланган тартиб рақами берилади. Фуқаронинг яшаш ёки иш жойи ўзгарган тақдирда ҳам шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варағининг тартиб рақами ўзгариши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчи-

лик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисидаги Қонун лойиҳаси парламент аъзоларининг ҳуқуқлари, мажбуриятларини ҳамда фаолиятларининг асосий кафолатларини белгилайди. Депутат Қонунчилик палатасида доимий асосда ишлаши лозим ҳамда ўз ваколатлари даврида у илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас. Сенатор қонун ҳужжатларига муво-

ликлари юзасидан асосланган ҳуқуқларни таъминлаш бериш ёки нукта назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови юборишга ҳақли. Мансабдор шахслар парламент сўровига жавобни белгиланган муддатларда тегишли палатанинг мажлисида берадилар.

“Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги Қонун лойиҳасида айтилишича, депутат тегишли халқ депутатлари Кенгашининг доимий ҳамда му-


лиш тартибини белгилайди. Бунга эса депутатнинг, сенаторнинг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини жийоқ, фуқаровий, маъмурий ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа турдаги жавобгарликка олиб келиши мумкин бўлган тарзда бузганлиги; ахлоқ, депутатлик одобининг умум эътироф этилган нормаларини қўпол равишда бузувчи ва депутат, сенатор деган номга доғ туширувчи ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг об-

лар ва мажмуаларни сақлаш, такрор қўлайтириш ва тиклаш учун қўлланади. Муҳофазат этиладиган табиий ҳудудларнинг ҳар хил тоифа ва турлари учун белгиланган режим ҳам турлича бўлади. Бунда мазкур ҳудудда муайян фаолият турини, шу жумладан табиатдан фойдаланишни тақиқлашдан тўғривор қандай фаолият турини батамом ман этишга ҳам қўлдалар жорий этилади.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси

ларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги Қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқадилар. Бу лойиҳа миллий қонун ҳужжатларини тезкор ўзгартириш бўлишига асосланган ҳолда тақдим қилинишига қаратилган бўлиб, унда 50 та қонун ҳужжати 128 та ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мўлжалланмоқда.

Сессия муҳокамасига



ларини ҳимоя қилиш, амалдаги қонун ҳужжатларининг мониторингини халқаро ҳуқуқ нормаларини ўрганган

ган тақлиф ва мулоҳазалар умумлаштириб борилиши, парламент сессиясига тайёргарлик ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритилиши таъминлашга алоҳида эътибор берди.

Депутатлар ишчи гуруҳи аъзолари жорий масалаларни муҳокама этиш учун мунтазам равишда йиғилиб турдилар, сессияга тайёргарликнинг турли масалалари юзасидан бошқа депутатлар билан маслаҳатлашиб боришди. Барча депутатларга сессия тарафидан қўйилган боғлиқ тадбирларда шахсан иштирок этиб, қонунларнинг лойиҳалари юзасидан ҳам, ташкилий-техникавий йўналишдаги масалалар юзасидан ҳам ўз тақлиф ва мулоҳазаларини киритиш имконияти таъминланди. Сийсий партияларнинг депутатлар фракциялари, ҳокимият вакиллик органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блокларининг сессия ҳужжатларининг муҳокамасида ҳар вақтдаги алоҳида иштирок этишди.

Қилинган ишларнинг натижаларини янада яқинлаштириш, шунингдек таъкидлаш мумкинлиги, депутатлар ишчи гуруҳи аъзолари ўртасида вазифаларнинг пухта тақсимланганлиги, уларнинг касбий савияси юксак, ишга муносабатларида ўзгача масъулият сезилиб турганига режалаштирилган барча тадбир-чораларни белгиланган муддатда тўғаллаш имконини берди. Ишоним қилинишича, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси муваффақиятли ўтди ҳамда миллий парламентаризмни ривожлантириш тарихидан сермазун саҳифа сифатида мангу эришилади.

БИР ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТНИНГ ФАОЛИЯТИ ОХИРЛАМОҚДА

фид Сенатда доимий асосда ишлаши мумкин. Бундай ҳолда у ҳам ўз ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас.

Депутат, сенатор ўз ваколатларини амалга ошираётганда гувоҳномасини кўрсатиб Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги республика, муассасалар ва ташкилотларга монеликсиз кириш ҳуқуқидан, шунингдек уларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари томонидан дарҳол қабул қилиниши ҳуқуқидан фойдаланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, Қонун лойиҳасига мувофиқ депутат ўз округи сайловчилари билан, уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сийсий партия билан алоқа боғлаб туриши, уларнинг манфаатини Қонунчилик палатасида ифода этиши шарт. Қонун ҳужжатларида белгиланганидек, у ўзини сайловчилардан қилиб тўшган мурожаатларни кўриб чиқади, уларни ҳал этиш чора-тадбирларини кўради, фуқароларни қабул қилади.

Депутат, сенатор давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига қирадиган маса-

вақат комиссияларига сайлаш ва сайланишга, депутат сўрови билан мурожаат этишга, ўз тақлифларини асослаб бериш учун сўзга чиқишга ва овоз бериш сабаблари ҳусусида изоҳ беришга ҳақли. У бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Депутат тегишли халқ депутатлари Кенгашининг мажлисларида ҳамда мазкур Кенгаш томонидан тўзилган қайси комиссия тартибига сайланган бўлса, шу комиссиянинг мажлисларида қатнашиши, овоз беришда шахсан иштирок этиши, ўз округи сайловчилари билан, уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сийсий партия ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи билан алоқа боғлаб туриши шарт.

Тегишли халқ депутатлари Кенгашининг розилигисиз депутат тегишли ҳудудда жийоқ жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибда бериладиган маъмурий жазага тортилиши мумкин эмас.

“Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси уларни чақириб

рўсига пўтур етказувчи харажатлар, ноқўй ишлар содир этганлиги; қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўз вазифаларини мунтазам равишда, узорли сабабларсиз бажармаганлиги, шу жумладан тегишли халқ депутатлари Кенгашининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ёки Сенатининг мажлисларида иштирок этмаганлиги асос бўлади.

Ер-сувдан ва ер ости бойликларидан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофазат этиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаб қолиш, тиклаш ва такрор қўлайтириш мақсадида “Муҳофазат этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Қонун лойиҳасида уларни муҳофазат қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тартибидан белгиланмоқда. Айрим табиий ҳудудлар учун уларни муҳофазат этиш ва улардан фойдаланишнинг алоҳида режими назарда тутилмоқда. Хусусан ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ноёб ҳамда йўқолиб бораётган турларини сақлаб қолиш учун шундай қилинмоқда.

Атроф табиий муҳитни ҳудудий тарзда муҳофазат қилиш муҳофазат этиладиган табиий ҳудудлар ташкил этишда ўз ифодасини топади ҳамда асосан қимматли, ноёб, типик табиий объект-

лар ва мажмуаларни сақлаш, такрор қўлайтириш ва тиклаш учун қўлланади. Муҳофазат этиладиган табиий ҳудудларнинг ҳар хил тоифа ва турлари учун белгиланган режим ҳам турлича бўлади. Бунда мазкур ҳудудда муайян фаолият турини, шу жумладан табиатдан фойдаланишни тақиқлашдан тўғривор қандай фаолият турини батамом ман этишга ҳам қўлдалар жорий этилади.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси

Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2000 – 2004 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот ҳам киритилмоқда. Омбудсман қонун ҳужжатларига биноан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишнинг мақбули ва самарали тизимини шакллантириш юзасидан, шунингдек аҳоли ўртасида ахборот йўналишидаги ва маърифий фаолиятдаги ва маърифий фаолиятдаги соҳасида ишчи олиб бори. Омбудсман минтақавий вакиллари институтини ривожлантириш ва мустақамлашга, унинг жойлардаги фаолияти шакллари ҳамда усулларини тақомиллаштиришга катта эътибор берилади.

Парламент бўлажак сессиясининг мўлжалланган кун тартибига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг раҳбариятининг 2000 – 2004 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот ҳам киритилган. Ҳисоботда парламент иши олти йўналиш бўлиб, хусусан қонунчилик, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш, парламентлараро алоқаларни ривожлантириш ва мустақамлаш, шахсининг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинлик-

ҳолда олиб бориш, жойлардаги ҳокимият вакиллик органларига амалий ёрдам кўрсатиш йўналишлари бўйича таҳлил этилмоқда. Олий Мажлис Кенгашининг қарори билан ташкил этилган иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессиясига тайёргарлик қилиш ва ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳи раҳбари сифатида шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, парламентимизнинг барча қўмиталари ва комиссиялари сессиялараро даврда айнакча самарали ишлашди. Натижда ислохотларни чуқурлаштиришга, халқимиз турмушини янада яқинлаштиришга қаратилган яна бир туркум ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари шакл ва сўзга келди.

Ишчи гуруҳимиз олдида навбатдаги парламент сессиясига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалаларни мувофиқлаштириб бориш ҳамда илдамлик билан ҳал этишдек масъул вазифа қўйилган. Ҳуқуқ аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаётганда парламент муҳокамасига киритилаётган ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлаш, сессия материаллари депутатларга барвақт етказиб берилишини ташкил этиш масалаларига, туш-

МДХ кузатувчилари миссияси — Ўзбекистонда

(Давоми. Боши 1-бетда).

тирилмоқда, бу эса мамлакатимизда демократик ислохотлар янада чуқурлашганлигини далолат беради. Сайлов кампаниясида бешта сийсий партия, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари иштирок этишди. Сайловга тайёргарлик очиклик, ошкоралик ва транспарентлик руҳида бормоқда. Ҳамдўстлик мамлакатларидан халқаро кузатувчилар миссиясининг рўйхатдан ўтиши ҳам бунга тасдиқлайди.

Учрашув катнашчилари миссиянинг бўлғуси фаолияти билан боғлиқ қатор масалаларни муҳокама этдилар.

Учрашув ақунлангач, Владимир Рушайло матбуот учун баёнот берди. У мис-

сия МДХ мамлакатларида ўтказилган сайловларни кузатиш борасида катта тажриба тўплаганини таъкидлади. Жумладан, МДХ кузатувчилари Ҳамдўстликнинг етти давлатида ўтган 17 сайлов ва референдумда қатнашган. Бугундан эътиборан МДХнинг беш нафар доимий кузатувчиси Ўзбекистонда шундай иш бошлайди. Бундан ташқари, тез орада Ҳамдўстлик мамлакатлари кузатувчиларининг аниқ сон ҳам маълум бўлади. Улар сайлов округларида Ўзбекистон сайлов қонунчилигига риоя этилишини бевосита сайлов арафасида ва сайлов вақтида назорат қиладилар. Кузатувчилар сайловдан бир неча кун олдин мамлакатимизга келади. В.Рушайло республи-

лика раҳбарияти ва шахсан Президент Ислам Каримовга мамлакатимизда МДХ халқаро кузатувчилари миссияси ишга қўрсатилаётган эътибор учун миннатдорлик билдирди.

Шундан сўнг ўтказилган матбуот аңжуманида МДХ халқаро кузатувчилари миссияси аъзолари журналистларнинг саволларига жавоб бердилар.

В.Рушайло миссия ишини ташкил этиш ҳақида гапирар экан, у ўз фаолиятини ЕХТ миссияси билан яқин ҳамкорликда олиб боришини таъкидлади. Миссияларнинг баҳолаш базасини ташкил этиладиган кузатувчилар аниқталари асосий кўрсаткичлар бўйича бир-бирига ўхшаш ва мазмунан бир хил. Бироқ, МДХ ва

ЕХТ кузатувчилари миссияларининг Қозоғистон, Белорус ва Украинада ўтган сайловлардаги фаолияти тажрибасидан кўринадики, муайян воқеаларни баҳолашга ёндашувларда қайси-бир даражаларда тафовутлар мавжуд.

Миссия иштирокчилари МДХ кузатувчилари иш олиб бориши учун Ўзбекистонда барча шароит яратилганини қайд этдилар. Марказий сайлов комиссияси томонидан улар сайловларга тайёргарликнинг бориши тўғрисидаги зарур ахборот билан таъминланмоқда. Сайловга тайёргарлик ишчан, очик ва ошқора руҳда бормоқда.

Анна ИВАНОВА, Гүлом МИРЗО, ҲА мухбирлари.

Қўмита ва комиссияларда

(Давоми. Боши 1-бетда).

Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йилдаги кўтилган ижроси ҳамда 2005 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида ахборот тингланди. Шунингдек, Олий Мажлисининг Иккинчи чақириқ ўн олтинчи сессияси кун тартибига киритилган масалалар муҳокама этилди.

Йиғилишни қўмита раиси У. Хошимов бошқарди.

Таъкидланганидек, ўтган йиллар мобайнида қўмитада қонунчилик фаолияти бўйича қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан, Юртбошимиз ташаббуси билан тайёрланган “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолат-

лари тўғрисида”ги Қонун сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини янада эркинлаштиришга қаратилган муҳим ҳужжат бўлди. Шунингдек, “Реклама тўғрисида”ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги ва бошқа қатор қонунларга бир қанча жиддий ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бундан ташқари жойларда ўтказилган семинарларда журналист кадрлар ишидаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида сўз юритилиб, мавжуд муаммоларни ҳал этиш чора-тадбирлари белгиланганлиги ҳам таъкидланди.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Кеча Олий Мажлисининг Оила ва аёллар муаммолари комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси Ш. Салимова олиб борди. Йиғилишда депутатлар Иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг XVI сессияси кун тартибига киритилган масалалар билан танишиб, уни бир овоздан маъқулладилар. Сўнгра Давлат бюджетининг 2004 йилдаги ижроси ва 2005 йилги лойиҳасини муҳокама қилдилар. Шунингдек, депутатлар комиссиясининг 2000-2004 йиллардаги фаолиятини ҳам кўриб чиқди. Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

ҲА мухбирларимиз.

Партия фракцияларида

(Давоми. Боши 1-бетда).

ўринбосари Ш.Мансуровнинг ахбороти тингланди. Шунингдек, Иجتимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафаровнинг “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақидаги ахбороти ҳам фракция аъзоларининг эътиборини тортиди. Депутатлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

Йиғилишда бўлажак сессия кун тартибига киритилган қонун лойи-

ҳалари ва бошқа масалалар юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашилди. Фракция аъзолари сессия муҳокамасига қўйилган масалаларни маъқулладилар.

“Миллий Тикланиш” демократик партияси Олий Мажлисдаги депутатлар фракциясининг сессияюлди йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар Иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси муҳокамасига киритилган масалаларни муҳокама қилиб, уни маъқулладилар. Шунингдек, йиғилишда фракциянинг ўтган беш йиллик

фаолияти ҳам таҳлил қилинди. Таъкидлангани, фракция аъзолари парламент сессиялари муҳокамасига киритилган қонун лойиҳаларини тайёрлашда ва жойларда ўтказилган назорат-таҳлил ишларида фаол қатнашдилар.

Бундан ташқари йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йилдаги ижроси ҳамда 2005 йилги Давлат бюджети лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Фракция аъзолари ҳар иккала масала юзасидан партия нуктаи назарини баён этди. Йиғилишни фракция раҳбари И. Фафуров бошқарди.

Advertisement for the Uzbekistan Republic's Public Administration Service (Ўзбекистон Республикаси Халқ Таълими Вазирлиги) regarding tender procedures for furniture and equipment. It includes details about the tender process, contact information, and a table of tender results.

Table with 3 columns: № (Number), Худуд (Region), and Вилоятлар (Regions). It lists 5 tender items and their corresponding regions.

Замони келган сатрлар

Абдулла ОРИПОВ

ЎЗБЕКЛАР

Ушбу шеърин манзумани дoston қилиш ниятида 1985 йилда ёза бошлаган эдим. Қандайдир йўллар билан мақсадимдан хабар толган юқори идоранинг бир вакили: "Ўзбеклар" деган дoston ёзаётган экансиз, дарҳол тўхтатинг", деди. Узим қатъиятсизлик қилдимми, ўша гапдан ҳафсалам пир бўлдимми, хуллас, асар бошланганича битмай қолди кетди.

Яқинда бисотимдаги ёзувларни кўздан кечиравганимда ўша кўлёманинг тайёр саҳифалари чиқиб қолди. Мен дostonни давом эттиришим ҳам мумкин эди. Сюжети ҳамон ҳаёлимда. Бироқ уни шу ҳолича, қалам урмасдан чоп этишга қарор қилдим. Бунинг сабаби шундаки, асардаги ўша ниятимнинг асл ечимини беш-олти йил ўтгач, тарихнинг ўзи ҳал қилиб берди.



МУАЛЛИФ.

Холиқ самовотдан сочарди зий, Тулар юдулардан фонуэ ёқарди. Узин ижода Уи махлиб, Заминга юксакдан хушуд боқарди.

Кўркам водий эди — жаннатдан парча, Қайси ҳар хуи соат яралган Ватан. Чинорлар фалакка бўйин чўзганча, Абдий бир умр сўрарди Ҳақдан.

Унда битилганди: «Аҳли дунёга Бердим иқтидору насиб-ю ком. Қўш дарё ораси — ушбу маъвога Ато этдим яхши Ўзбек деган ном.

Кўрнар будутга чулғашиб боши Чаммаси қайнаган қиррадор тоғлар. Уммонлар уфққа ёган қўлчи, Саҳролар бевадод, чексиз ўтлоқлар.

Тиркилик шайига айтиб қасида Базовол кечгандек бу ерда замон. Ва лекин водийнинг қоқ ўртасида Ғўжон қайнар эди уч тўп оломон.

Уммон бермадим, кўнгли тўлсин деб Бердим ушбу элга уммондай юрак. То абад заминда бахтли бўлсин деб Идрок бердим унга ва толмас билак».

Юз ранда товланган камалак узра Жайрон уюларни кўрнарди гоҳ. Тенгиз бу ҳолатга тўймасдан сира Яратганининг ўзи ташларди ниго.

Икки тўп келарди иккала ёқдан, Нозоҳ бир-бирига ташларди эди. Учтинчи эса боқиб узоқдан Гижларди, талотўп бошларди эди.

Холиқ дафтарини ёнди кўп дилгир, Қонит жо бўлган тақсид яра. Тўбанга бўйлабди тақсид бесаёр Ҳануз ўша ҳолат, ўша манзара.

Нечун қуономасин Буюк ирода — Бунёд эта олд олий уйғунлик. Узини ҳар қайда этди ифода, Дарёда шиддат тоғда турғунлик.

Сал ўтмай қай бири гоғида юзсиз Алоод-аждодларни этарди бадом. Оқир чидаёлмаи уч тараф тизиг Мушлатиш кетарди бесўз, бекалом.

Чувос солар эди уч тараф, уч ёқ, Ҳар тўпнинг бошида битта сардори. Шундоқ хужм қилди ахшири Ҳаллоқ; Бу — аридан қувилган Иблисини қори!

У гоғи шод эди: ҳаммаёқ соқин, Оёйши лйрарди бандалар хуррам. Бўлак замин узра кун кўриб, лоқин Унутмас эдилар самовотини ҳам.

Тамом хайрат ичра қолди Бору Бор, Қайта-қайта боқди будутини серлаб. Бу қандай сиюат? Бу қандай асор? Унинг паноҳида бу қандайини гап?

Ғубордай тўзмасин бу ажиб маскан, Тупроққа қормасин элар бир-бирин. Чора ахтарарди энди Яратган Тинчлантирмоқ учун ўзбеклар ерин.

Шундоқ тотув эди Инсон фарзанди, Иблис кутқусидан ҳозирча ироқ. Холиқини шу нарса мамун этанди, Уни тинчлантирган шу энди кўпроқ.

Соқин ва оёйши бу гўзал маъво Нахот торлик қилиб қолмиш дафтари? Кутуқ бошладими унда Иблис ё? Қандайини юртдир бу? Қай за? Қай Ватан?

Оқир Холиқ келди шундоқ қарорга: «Иблис қудратини, майлга, билсин. Бир зот жуғатайки мен бу дунёга, То у Ўзбек эли бу-бутун қилсин».

1985 йил.

Спорт

— Аввало, терма жамоанинг сўнги ўйинидаги галаба муносабати билан табриқларимизни қабул қилинг. МДХ журналистлари сизни Россияда нашрдан чиқадиган «Спорт-экспресс» газетаси танловида июль ойида МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатлари ўйинчилари ўртасида ойнинг энг яхши футбол...

Ўзбек футбол юлдузи Миржалол Қосимов терма жамоамиз сардори. Кўплаб нуфузли мусобақаларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган. 1994 йилда Хиросимада бўлиб ўтган XII Осиё ўйинларида жамоамизнинг голиб бўлишида муносиб ҳисса қўшган. «Пахтакор» (Тошкент), «Алания» (Владикавказ, Россия), «Крилья Советов» (Самара, Россия), «Ал-Шабаб» (Дубай, БАА) жамоаларида тўп сурган. 1987 йилда ўсмирлар ўртасида жаҳон ва Европа чемпиони, 1988 йилда ёшлар ўртасида Европа чемпиони бўлган. Яқинда Хитойда ўтказилган Осиё кубоги мусобақаларининг энг ёрқин футболчиси сифатида эсда қолди. Унинг гуруҳ босқичида энг яхши футболчи дея тан олингани бунинг тасдиғидир. Германияда 2006 йилда ўтказиладиган жаҳон чемпионати олдидан саралаш учрашувида Хитой Тайпейи жамоаси дарвозасига Миржалол 3 та тўп киритиб, ҳамюртларимиз узил-кесил галабасини таъминлади.

Миржалол Қосимов:

«Мақсадим — жаҳон чемпионатида қатнашиш»

чиси деб топгани ҳам қувончли хол.

— Раҳмат, тўғриси айтсам, ўзим ҳам қувондим. Билишимча, «Спорт-экспресс» ҳар бир ўйинчининг расмий мусобақада ўз жамоаси ютуғига қўшган ҳиссасига қараб голибларни аниқлайди. Шу жиҳатдан олиб қараганда, менинг энг яхши деб топилишимга Ўзбекистон терма жамоасининг Осиё чемпионатида муваффақиятли қатнашгани сабаб бўлди, деб ҳисоблайман.

— Миржалол ака, бу-гун сиз билан ҳар бир ўзбек футболчи ишчибоз, спорт муҳлиси фخرланади. Бунга эса осонлик билан эришмаганлигингиз аниқ. Спортчи ўзининг устаси даражасига эришиши учун ниларга эътибор бериши лозим?

— Мен иқтидорни Оллоҳ томонидан бериладиган нозматлардан бири деб ҳисоблайман. Лекин атоқли адибимиз Ғафур Ғулум айтганидек, «Тақдирни кўл билан яратар одам, ғойибдан келажак бахт бир афсона». Фақат иқтидорга ишониб фаолият юритиш билан узоққа бориб бўлмайди. Катта натижаларни кўзлаган ҳар бир инсондан ўз устиди ти-нимсиз ишлаб, маҳоратини ошириб бориш талаб этилади.

— Мамлакатимизда Болалар спортга алоҳида эътибор берилмоқда. Спортга қизиққан ҳозирги ёшлар билан ўзингизнинг ўсимирлик даврингизни қандай таққослайсиз?

— Бизнинг ёшлигимизда терма жамоа сафидан жой олиш жуда мушкул эди. Шунинг учун ҳам қанчадан-қанча иқтидорлар жаҳон миқсидидаги мусобақаларда иштирок эта оlishмаган. Мустақилликка эришганимиздан сўнг жаҳон ва олимпия чемпиони кўпайгани айнан иқтидорлар органи билан боғлиқ. Қитъа миқсидидаги мусобақалардан медаллар билан қайтаётган спортчиларимизнинг эса сон-саногии йўқ. Ва энг қувончли томони, уларнинг сони ортса-ортдаки, асло камаймайди. Сабаби, болалар спортга эътибор орқали бўлажақ галабаларга мустаҳкам пойдевор қўйилмоқда.

— «Пахтакор» жамоасида кўп йиллар юлдуз футболчилар билан тўп сурдингиз. Нуфузли беллашувларда юрт шарафини ҳимоя қилдингиз. Аммо жаҳон чемпионатида қатнашиш...

— Ҳозирги кундаги энг

катта орзуим шу. Нафақат менинг, у ҳар бир футболчининг орзуси. Ва энг муҳими, у ушалмас орзулар қаторига қирмайди. Жамоа сардори сифатида ишонч билан айтишим мумкинки, Ўзбекистон термаси 2006 йилги жаҳон чемпионати иштирокчилари қаторидан жой олиб халқимизга байрамона кайфият улашиш учун барча имкониятларни ишга солади.

— Ўзингизга маълумки, хорижлик мураббийлар турлича муваффақият билан бошқараётган терма жамоалар бор. Баъзи жамоалар на маҳаллий ва на хорижий мутахассислар раҳбарлигида ҳеч қандай натижага эриша олмагани. Ўзбекистон футболчи бошқа йўлдан кетди. Терма жамоамиз тепасида Равшан Хайдаров ва германиялик мутахассис Юрген Гёде бирдек...

— Ўтган йили ёшлар терма жамоамиз Юрген Гёде раҳбарлигида жаҳон биринчилигининг финал босқичига етиб борди. Табиийки, мазкур жамоадан бир гуруҳ ўйинчиларининг миллий терма жамоамизга олиниши натижасида мураббийлар штабига немис мутахассиси ҳам қақирлиди. Чунки у ўз шогирдларининг имкониятларини жуда яхши билади. Хайдаров эса ўзбек футболчидаги вазиятни яхши тушунади.

— Спортчининг ота-онаси, яқинларига қийин. Улар ҳар доим соғлигингизни уйлашади. Сиз жароҳат олган пайтларингизда яқинларингиз бирор марта бўлса ҳам футбол ўйнашингизга қаршилик қилишганми? Умуман олганда, уйдагиларингиз бу соҳага кириб келишингизга қандай муносабатда бўлишган?

— Ҳаётимда шундай дамлар ҳам бўлган. 1996 йили умуртқа поғонандан жароҳат олишим натижасида жароҳлиқ столга ёттишга мажбур бўлганман ва муложа Германияда бўлиб ўтган. Бунинг эшитиши билан турмуш ўртоғим Дилором Германияга учиб борган ва ёнимдан бир дақиқа ҳам жилмаган. Уша пайтда футбол ўйнаш бир ёқда турсин, юриб кетишим ҳам қатта хавф остида эди. Эсимда, мени тиббий замбидда кўриб онам йиғлаб юборган дилар. Аммо «футболни ташла» деганларини эслай олмаман. Ота-онам доимо ўз намоз ва дуоларида юртимизга тинчлик, фазл-бароқ, барча дилбандлари қаторида менга сихат-саломатлик

Юлдузларимиз

тилашади. Орадан кўп ўтмай мен эсон-омон тузалиб яна яшил майдонга қайтдим. Қисқа қилиб айтсам, оила аъзолари мени бу масалада доимо қўллаб-қувватлашган. Отам ҳар бир ўйиндаги иштирокимни қолдирмасдан кузатиб борадилар, муваффақиятдан хурсанд бўладилар.

— Сизинг стандарт вазиятларда тўп киритиш бўйича тенги йўқ футболчи, деб биламиз. Ўзингиз қайси футболчиларга ишчибозлик қиласиз?

— Ёшлигимда жаҳон миқсидидаги юлдузлар ўйинини кўриб завқланардим. Ушларга ўхшашни орзу қилардим. Ҳар ҳолда Пеле бўлиб етишмаган бўлсам-да, Қосимов бўлиб танланишимга шукр қиламан. Замондоруларимдан эса Зидан, Шевченко ва Беккемнинг ўйинлари менга ёқди.

— Аксарият санъаткорлар билан суҳбатлашганимизда улар ўз касбларини фарздандарига раво қўришни истамайдилар. Сиз футболчи сифатида шу масалага қандай қарайсиз?

— Улар ўз касблари машаққати муаммоларини яхши билганлари учун ҳам шундай дейишади. Мен фарздандарим қайси касбни танлашларимда қатъий назар, элга фойдаси тегадиган инсон бўлиб етишишларини истардим. Ҳозирча иккала ўғлим ҳам футбол билан шуғулланишади. Қичгим футболдан ташқари қаратга ҳам қизиқиб тенгдошлари орасида мамлакат чемпиони бўлишга улғурди. Келажакда улар қайси касбга қизиқсалар, мен шунга шариёт яратиб беришга ҳаракат қиламан.

— Бразилиялик футбол юлдузи Рональдонинг дам олишга мўлжалланган шахсий ороли бор экан? Ўзбек футбол юлдузи мол-дунёга қандай қарайди?

— Мол-дунё — ўткинчи. Аммо, фикримча, ҳар бир одам тўқин яшашга, оиласининг фаровон бўлишига масъул. Шахсан менда мол-дунёга интилиш йўқ. Айримлар, футболчиларини кўп пул топади, деб уйлашади. Аммо уларнинг фаолиятлари қисқа эканлигини кўпчи-ча инобатга олишмайди. 10-15 йил футбол ўйнаб туриб умрининг охиригача



маблаг масаласида ташвишсиз яшаш фақат саноклиларгагина насиб этади. Яъни, ҳаммиша ва ҳамма футболчи ҳам бунга эриша олмайдилар. Балки бу омадга боғлиқдир.

— Ҳаётда доим амал қиладиган ширингиз?

— Борига қаноатланиб, йўғига шукр қилиб яшаш. Ва доимий интилиш. Интилганга толе ёр, деб бекорга айтишмайди-ку!

— Ҳар нарсанинг аввали ва охири бўлади. Сизнинг ҳам кўзлаб қўйган марраингиз борми, бирор кун келиб: мен қўлимдан келган барча ишни бажардим, дейиш учун футболчи сифатидаги фаолиятингизни якунлаганингиздан сўнг мураббий бўлиш ниятингиз йўқми?

— Менда шунақа орзу бор. У ҳам бўлса — Ўзбекистон терма жамоаси 2006 йилда Германияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида етиб борса. Асосийси, финалгача етиб бориш. Ундан сўнг... Бизда яшиганига имконият бор. Гарчи биз ҳал қилувчи — учинчи саралаш босқичига мuddатидан олдин чиққан бўлсак-да, олдинда улкан ишлар турибди. Терма жамоамиз каби жаҳон чемпионати саралаш босқичининг финал қисмига чиққан саккиз терма жамоа икки гуруҳга бўлиниб 4,5 та ўйланма учун баҳсини бошлайдилар. Биринчи-иккинчи ўринни эгаллаган жамоа ўзи учун Германияга йўллангани нақд қилади. Шу боис терма жамоамиз вақиллари яна фидойилик қўриштириб, футбол оламининг энг нуфузли мусобақасига йўлланма олиш учун майдонда ниларга қодирлигини исботлаши лозим.

Сўзбатни «Халқ сўзи» муҳбири Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ ёзиб олди.

Advertisement for 'Ўзэкспомарказ' PKSM, featuring logos of PARS RASTAK, Ministry of Commerce, and Uzbekistan Exhibition Centre.

Advertisement for 'РОССИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН ЛИНОЛЕУМЛАРНИ ТЎШАШ ВАКТИ КЕЛДИ.' with phone number 134-48-11.

Advertisement for 'ОАО «УЗКОММУНМАШТАЪМИНОТ»' offering steel pipes from the Severstal plant.

Advertisement for 'ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!'.

Advertisement for 'Ўзбекистон Телерадиокомпанияси'.

Advertisement for 'Халқ сўзи Народное слово'.

Advertisement for 'Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ'.

Advertisement for 'Футбол майдонларида'.

Advertisement for 'Агамуродов Осиёнинг энг яхши мураббийси бўлиши мумкин'.

Advertisement for 'МАНЗИЛЛИК: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.'